

**Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта қилиш бўйича
E-Polisni (электрон полисни) онлайн расмийлаштириш шартлари юзасидан
ОММАВИЙ ОФЕРТА**

Ушбу оммавий оферта (кейинги ўринларда - оферта) "Imkon-Sug'urta" АЖ (кейинги ўринларда - сұғурталовчи) билан сұғурта қылдирувчи ўртасида Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта қилиш (кейинги ўринларда - ИБФЖМСК) бўйича E-Polisni (электрон полисни) онлайн расмийлаштириш (шартнома тузиш ва бекор қилиш) тартиблари ва сұғурталаш шартларини белгилайди.

Мазкур оферта Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, "Электрон тижорат тўғрисида"ги, "Электрон хужжат айланиши тўғрисида"ги, "Сұғурта фаолияти тўғрисида"ги Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 5 декабрдаги 694-сон қарори билан тасдиқланган "Электрон турдаги сұғурта хизматларини кўрсатиш тартиби тўғрисидаги" Низоми ҳамда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июнданги 177-сонли қарори билан тасдиқланган "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта қилиш" қоидалари асосида ишлаб чиқилган.

I. Умумий шартлар ва тушунчалар

1. Ушбу офертада қўйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

E-Polis - Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта қилиш бўйича электрон шаклда тузилган сұғурта шартномаси;

қоида - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июнданги 177-сонли қарори билан тасдиқланган "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта қилиш" қоидалари;

сұғурта ҳодисаси - E-Polisga кўра иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта қилиш шартномасининг амал қилиши даврида ҳодим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан ҳодимнинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича иш берувчининг фуқаролик жавобгарлиги вужудга келганлиги белгиланган тартибда тасдиқланган факт;

сұғурта пули - сұғурталовчи мажбурий сұғурта қилиш шартномаси доирасида жабрланувчига (наф оловчига) етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини оладиган сумма;

сұғурта мукофоти - иш берувчининг мажбурий сұғурта қилиш шартномаси бўйича сұғурта қилиш ёки аннуитетлар шартномаси бўйича сұғурталовчига мажбурий сұғурталаш шартномасига ёки аннуитетлар шартномасига мувофиқ тўлаши шарт бўлган пул маблағлари суммаси;

сұғурта товони - сұғурталовчи E-Polisga мувофиқ сұғурта ҳодисаси содир бўлганда жабрланувчига унинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳисобига сұғурта пули доирасида тўлаши шарт бўлган пул маблағлари суммаси;

аннуитет — ўзига нисбатан аннуитетлар шартномаси тузилган ва жорий тўловлар тарзида сұғурта товонини олиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахс;

наф оловчи — ҳодим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда вафот этган тақдирда сұғурта товонини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс;

қоплов суммаси — аннуитетлар шартномаси муддатидан олдин тўхтатилган тақдирда аннуитетлар шартномаси бўйича сұғурталовчига тўланадиган пул маблағлари суммаси;

аннуитетлар шартномаси — сұғурталовчи унга кўра аннуитетлар шартномаси бўйича аннуитетлар шартномасида келишилган тўловни (сұғурта мукофотини) бир йилдан кўп муддатга жорий тўловлар тарзида сұғурта суммаси доирасида сұғурта товонини тўлашни амалга ошириш мажбуриятини оладиган сұғурта шартномаси;

ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса — ҳодимнинг у меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ўз вазифаларини иш берувчининг ҳудудида ҳам, ундан ташқарида ҳам бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлишига ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланишига олиб келган ва ҳодимни бошқа ишга ўтказиш заруриятини келтириб чиқарган, унинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёки турғун йўқотишига ёхуд вафот этишига сабаб бўлган ҳодиса;

касб касаллиги — ҳодимнинг унга ишлаб чиқаришнинг зарарли ёки хавфли омили таъсири натижаси бўлган ва унинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёхуд турғун йўқотишига сабаб бўлган ўткир ёки сурункали касаллиги;

жабрланувчи — ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан соғлигига зарар етказилган, суғурта товонини олиш ҳуқуқига эга бўлган ходим;

ходим — иш берувчи билан тузилган меҳнат шартномаси (контракт) асосида ишлаётган жисмоний шахс;

иш берувчи — қонунчиликда белгиланган тартибда жисмоний шахс билан меҳнат шартномаси (контракт) тузган юридик ёки жисмоний шахс;

аннуитетлар шартномаси бўйича сұғурта ҳодисаси — аннуитетнинг аннуитетлар шартномаси амал қиласидан даврда жорий тўлов тарзида сұғурта товонини амалга ошириш санасигача яшаш;

иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта қилиш шартномаси бўйича сұғурталовчи — умумий сұғурта қилиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс;

аннуитетлар шартномаси бўйича сұғурталовчи — ҳаётни сұғурта қилиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс;

касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражаси — касбга оид меҳнат қобилиятининг ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса юз бергунига қадар бўлган, фоизларда ифодаланган, тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси томонидан аниқланадиган пасайиши;

меҳнатда майиб бўлиш — ходимнинг касбга оид меҳнат қобилиятини ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса оқибатида вақтинча ёки турғун йўқотиши;

ягона ахборот тизими - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг ахборот тизимлари ва марказий маълумотлар базалари, жисмоний ва юридик шахслар марказий маълумотлар базалари билан интеграциялашган, мажбурий сұғурта қилиш бўйича онлайн тартибида фаолият юритувчи ягона ахборот тизими;

расмий веб-сайт ва мобил иловадан фойдаланиш – сұғурта қилдирувчининг ундан фойдаланишга қаратилган ҳар қандай ҳаракати.

2. Офертанинг амал қилиш худуди – Ўзбекистон Республикаси.

3. Агентликнинг, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг, шунингдек, Жамиятнинг ахборот тизимлари орқали сұғурта шартномаси расмийлаштиришда, Сұғурта қилдирувчи ушбу оферта шартлари билан тўлиқ танишиб чиқиши лозим. Агар Сұғурта қилдирувчи оферта шартларига ёки унинг баъзи қисмларига рози бўлмаса, у сұғурта шартномасини расмийлаштириш ахборот тизимидан фойдаланишни тўхтатиши лозим. Сұғурта қилдирувчининг сұғурта шартномасини расмийлаштириш ахборот тизимидан фойдаланишни давом эттириши ушбу оферта шартларига тўлиқ ва сўзсиз рози эканлигини билдиради.

II. E-Polishni расмийлаштириш

5. E-Polishni расмийлаштириш Агентликнинг, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг, шунингдек, Жамиятнинг ахборот тизимлари (расмий веб сайти, мобил иловаси) орқали амалга оширилади.

6. E-Polishni расмийлаштириш учун иш берувчи электрон аризага қуйидаги маълумотларни киритади:

а) иш берувчи — жисмоний шахс шахсий идентификация рақамини ва шахсини тасдикловчи хужжатнинг серияси, рақами;

б) иш берувчининг (юридик шахслар учун) солиқ тўловчининг идентификация рақами ва мажбурий шартнома тузилган ойдан олдинги ўн икки ой учун иш берувчи барча ходимларининг бир йиллик иш ҳақи миқдори (ўз фаолиятини янгитдан амалга ошираётган иш берувчи учун — йиллик иш ҳақи биринчи ойдаги иш ҳақи миқдорини ўн иккига кўпайтириш орқали ҳисоблаб чиқарилади.Faолиятини бир йилдан кам бўлган муддатга амалга оширувчи иш берувчи учун — иш берувчи барча ходимларининг иш берувчининг мазкур фаолияти амалга ошириладиган муддатдаги иш ҳақи миқдорида).

- электрон почта манзили (мавжуд бўлса);
- мобил телефон рақами;

E-Polis расмийлаштирилганлиги тұғрисидаги хабарномани юбориши шакли (телефон рақам ёки электрон почта манзили ёки сұфурталовчи веб-сайтида (мобил иловаси орқали) очилган шахсий кабинети орқали).

Бунда тегишли маълумотлар ягона ахборот тизимида мавжуд бўлганда автоматик тарзда тўлдирилади.

7. Электрон ариза тўлдирилаётган вақтда Ягона ахборот тизими қисман ёки тўлиқ ишламаганда, яъни давлат ахборот базалари қисман ишламаган ва/ёки улар билан алоқа узилган тақдирда, сұфурта қилдирувчи аризадаги қолган маълумотларни қўлда киритади ёки хужжатларни илова қиласди.

8. Электрон ариза тўлиқ тўлдирилгандан сўнг сұфурта қилдирувчи томонидан юбориши тугмаси босилади.

9. Сұфурталовчининг маъсул ходимлари томонидан юборилган электрон аризидаги маълумотлар бир иш куни ичидаги тўлиқлиги ва тўғрилиги текширилиб, сұфурта қилдирувчига сұфурта мукофотини тўлаши мумкинлиги ёки маълумотларни қайта тўғриланиши тўғрисида хабарнома юборилади. Агар сұфурта қилдирувчи томонидан ариза берилган санадан бошлаб 24 соат давомида маълумотлар қайта текширилмаса ва/ёки тўғриланмаса, унда сұфурта ташкилоти E-Polisни расмийлаштириш, қайта расмийлаштириш ва бекор қилиш имконияти йўқлиги тўғрисида сұфурталовчининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ресурси ёки SMS-хабар орқали сұфурта ташкилоти сұфурта қилдирувчини хабардор қиласди.

10. Сұфурта қилдирувчи сұфурта мукофотини тўлаши мумкинлиги тўғрисидағи хабарномани олгандан сўнг 24 соат мобайнида сұфурта мукофотини электрон тўлов тизимлари орқали ва пул ўтказиш йўли билан тўлаши лозим.

Сұфурта мукофоти E-Polisда назарда тутилган тўловдан камроқ миқдорда тўланган бўлса, сұфурта ташкилоти сұфурта мукофотининг тўланмаган қисми, сұфурта қилдирувчи томонидан 72 соат муддатда тўланиши зарурлиги тўғрисида дарҳол хабарнома юборади.

11. Сұфурта мукофоти тўланганлиги факти ушбу Оферта Сұфурта қилдирувчи томонидан акцепт қилинганлигини англаатади.

12. Сұфурталовчининг мажбуриятлари сұфурта мукофоти сұфурталовчининг ҳисоб рақамига тушган кундан кейинги кундаги 00 соат 00 дақиқадан бошлаб кучга киради ва мажбурий сұфурта қилиш бўйича сұфурта полисида кўрсатилган сұфурта даврининг охирги санасидаги 24 соат 00 дақиқада тугайди. Агар E-Polisда сұфурта амал қилиши бошланишининг бошқача муддати назарда тутилмаган бўлса, мажбурий сұфурта электрон шартномаси кучга кирганидан кейин юз берган сұфурта ҳодисаларига нисбатан татбиқ этилади.

13. Сұфурта мукофоти тўлиқ тўлангандан кейин E-Polis расмийлаштирилганлиги тўғрисидаги хабарнома сұфурта қилдирувчи томонидан танланган шаклда юборилади ва у қуидагиларни ўз ичига олади:

- сұфурта ташкилотининг номи;
- сұфурталанувчи - иш берувчи номи, реквизити;
- сұфурта суммаси ва дафн харажати миқдорлари;
- сұфурта мукофоти миқдори;
- E-Polisнинг амал қилиш муддати;
- E-Polisнинг ноёб рақами;
- Ягона ахборот тизимиға ҳавола.

14. Сұфурта қилдирувчи Ягона ахборот тизимиға ҳавола орқали ўтиб, E-Polisни юклаб олиши мумкин.

ДИҚҚАТ!

**СҰФУРТА ҚИЛДИРУВЧИ ЎЗИ ТОМОНИДАН ЭЛЕКТРОН ПОЛИСНИ
РАСМИЙЛАШТИРИШ УЧУН СҰФУРТАЛОВЧИГА ТАҚДИМ ЭТИЛАЁТГАН
МАЪЛУМОТЛАР ВА ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ҲАҚИҚИЙЛИГИ УЧУН ЖАВОБГАР
ҲИСОБЛАНАДИ.**

III. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

15. Иш берувчи қуидаги ҳуқуқларга эга:

15.1. сұғарталовчидан мажбурий сұғурта қилиш шартномасининг шартларини тушунтириб беришни талаб қилиш;

15.2. сұғарталовчининг сұғурта товонини тұлашни рад этиш тұғрисидаги қарори юзасидан белгиланған тартибда шикоят қилиш;

15.3. йиллик иш ҳақи миқдори камайганда сұғурта мукофотининг йиллик иш ҳақи миқдорининг камайишига ва иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта қилиш шартномасининг тугалланмаган даврига мутаносиб қисмини олиш.

15.4. Иш берувчи қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

16. Иш берувчи қуйидаги мажбуриятларга эга:

16.1. мажбурий сұғурта қилиш шартномаси бўйича ва айрим ҳолларда аннуитетлар шартномаси бўйича қонунчиликда белгиланған шартлар асосида ва тартибда сұғурта мукофотини тұлаши;

16.2. йиллик иш ҳақи миқдори ўзгарған пайтдан эътиборан беш иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда сұғарталовчига ёзма шаклда хабар қилиши;

16.3. иш берувчи томонидан амалга оширилаётган фаолият турларининг хавфлилик даражаси ўзгарған пайтдан эътиборан 72 соатдан кечиктирмай бу ҳақда сұғарталовчига ёзма шаклда билдириши ва зарур бўлган ҳолларда, кўшимча ҳисоблаб чиқарилган сұғурта мукофотини тұлаши;

16.4. ходимларни мажбурий сұғурта қилиш шартномаси шартлари билан таништириши, шу жумладан, мажбурий сұғурта шартномаси бўйича томонларнинг ҳуқук ва мажбуриятларини тушунтириши;

16.5. сұғарталовчи ва аннуитетлар шартномаси бўйича сұғарталовчи ҳақидаги барча зарур маълумотларни жабрланувчи ёки наф оловучи ёзма шаклдаги ариза билан мурожаат қилган санадан эътиборан икки иш куни ичida тақдим этиши;

16.6. сұғарталовчини ишлаб чиқаришда баҳтсиз ҳодиса юз берганлиги тұғрисида ўзига маълум бўлган вақтдан бошлаб уч иш куни мобайнида ёзма шаклда хабардор қилиши;

16.7. агар сұғурта товони жабрланувчи ёки наф оловучи томонидан қилинган суиистемолликлар оқибатида асоссиз равищда тўланган бўлса, ортиқча тўланган сұғурта товони ҳақида сұғарталовчига хабар қилиши ва ортиқча тўланган маблағларни сұғарталовчига қайтариш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўриши шарт.

16.8. Иш берувчи зиммасига қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

17. Сұғарталовчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

17.1. ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни текширишда иштирок этиш ва зарур бўлган ҳолларда тегишли эксперталарни жалб этиш;

17.2. ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисага доир ахборотни текшириш;

17.3. сұғурта мукофотини аниқлаш учун сұғурта хавфини баҳолаш;

17.4. ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш юзасидан тавсиялар бериш.

18. Сұғарталовчи қуйидаги мажбуриятлар эга:

18.1. мажбурий сұғурта қилиш шартномаси шартлари билан иш берувчини таништириши, шу жумладан унинг ҳуқук ва мажбуриятларини тушунтириши;

18.2. ўз фаолиятини амалга ошириш натижасида олинган, иш берувчи ва (ёки) жабрланувчи ёхуд наф оловучи тұғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаши;

18.3. сұғурта товонини тұлашни рад этиш тұғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, иш берувчи сұғурта товонини тұлаш учун мурожаат этганидан кейин ўн беш иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда иш берувчига рад этиш сабабларини далиллар билан асослантирган ҳолда ёзма шаклда хабар қилиши;

18.4. Қоиданинг 34-бандың назарда тутилган барча зарур ҳужжатлар тақдим этилган санадан эътиборан ўн иш кунидан кечиктирмай қарор қабул қилиши ва сұғурта товонини тұлаши.

IV. Сұғурта ҳодисаларини кўриб чиқиши тартиби

19. Иш берувчи ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисани текшириш якунларига кўра сұғарталовчига сұғурта товони талабидан иборат бўлган ёзма шаклдаги ариза билан мурожаат қиласи (Қоидага 4-илова), унга қуйидагилар илова қилинади:

- иш берувчининг ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса оқибатларига кўра етказилган заарнинг ўрнини қоплаш тұғрисида ушбу Қоидага 5 ёки 5-1-иловаларга мувофиқ шакл бўйича буйруғининг нусхаси;

- ходимнинг ёки наф олувчининг етказилган заарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талаби кўрсатилган, иш берувчининг номига ёзилган аризасининг нусхаси;
- сұғурта ҳодисаси юз бергунига қадар ходим олган ўртacha ойлик ёки йиллик иш ҳаки тўғрисидаги маълумотнома;
- меҳнат шартномасининг (контрактнинг) нусхаси;
- қасб қасаллигида — ходимнинг қасб қасаллиги тўғрисидаги тиббий хулоса;
- ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса содир бўлғанлигини ва ходим учун унинг оқибатини тасдиқловчи хужжатлар (ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисани маҳсус текшириш далолатномаси, тиббий-меҳнат экспертиза комиссиясининг хулоаси, низолар юзага келган ҳолларда эса — суднинг қарори);
- Ходим вафот этган тақдирда ходимнинг вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси ва наф олувчининг заарнинг ўрни қопланишига бўлган ҳуқукини тасдиқловчи хужжатлар ҳам илова қилинади.

Ушбу бандда назарда тутилмаган хужжатлар тақдим этилишини талаб қилиш тақиқланади.

20. Хужжатларни қабул қилиб олган сұғурталовчи иш берувчига тақдим этилган хужжатларнинг тўлиқ рўйхатини ва улар қабул қилиб олинган санани кўрсатган ҳолда маълумотнома бериши шарт.

21. Сұғурталовчи тегишли сўровнома бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан, судлардан, тиббиёт, сейсмология, ветеринария, гидрометеорология ва бошқа ташкилотлардан ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса билан боғлиқ хужжатларни ва хулосаларни олишга, шунингдек жабрланувчига ёхуд наф олувчига етказилган заарнинг сабабларини, ҳолатини ва миқдорини мустақил равишида аниқлашга ҳақлиdir.

22. Сұғурталовчи ушбу Коиданинг 34-банда кўрсатилган барча зарур хужжатлар тақдим этилган санадан бошлаб ўн иш кунидан кечикмай сұғурта ҳодисасини тан олиш тўғрисида қарор қабул қилиши ва сұғурта товонини тўлаши шарт.

23. Сұғурта ҳодисасини тан олиш ва сұғурта товони миқдорини аниқлаш сұғурталовчи томонидан, иш берувчи тақдим этган хужжатларни ўрганиш, шунингдек ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисани текшириш учун жалб этилган экспертларнинг тегишли хулосалари асосида амалга оширилади.

24. Сұғурта ҳодисаси тан олинганда ва сұғурта товони суммаси белгиланганда сұғурта ҳодисаси тўғрисида далолатнома тузилади, у ҳар қайси томон учун бир нусхадан — икки нусхада, сұғурталовчи ва иш берувчи томонидан имзоланади.

25. Сұғурта товонини бир йилдан кўп муддат учун тўлаш зарур бўлганда сұғурта ҳодисаси тўғрисида далолатнома сұғурта товонини бир йилдан кўп муддат учун асосли равишида ҳисоблаш учун иш берувчи томонидан танланган аннуитетлар шартномаси бўйича сұғурталовчи иштирокида тузилади. Сұғурта ҳодисаси тўғрисида далолатнома ҳар қайси томон учун бир нусхадан — уч нусхада, сұғурталовчи, иш берувчи ва аннуитетлар шартномаси бўйича сұғурталовчи томонидан имзоланади.

26. Сұғурталовчи томонидан сұғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда бу ҳақда иш берувчига унинг сұғурта товонини тўлаш талабидан иборат бўлган ариза билан ёзма мурожаатидан кейин ўн беш иш кунидан кечикмай рад этиш асослари кўрсатилган ҳолда хабар қилинган бўлиши керак.

V. Сұғурта суммаси, сұғурта мукофоти, сұғурта тўлови ва (ёки) товони миқдори

27. Мажбурий сұғурта қилиш шартномаси бўйича сұғурта суммаси қуидаги миқдорда белгиланади:

27.1. мажбурий сұғурта қилиш шартномаси тузилган санадаги ҳолатга кўра фаолиятини бир йилдан ортиқ амалга ошириб келаётган иш берувчи учун — мажбурий шартнома тузилган ойдан олдинги ўн икки ой учун иш берувчи барча ходимларининг бир йиллик иш ҳаки миқдорида;

27.2. ўз фаолиятини янгитдан амалга ошираётган иш берувчи учун — мажбурий сұғурта қилиш шартномаси тузилган ойдан кейинги ўн икки ой учун иш берувчи барча ходимларининг бир йиллик иш ҳаки миқдорида. Бунда йиллик иш ҳаки биринчи ойдаги иш ҳаки миқдорини ўн иккига кўпайтириш орқали ҳисоблаб чиқарилади;

27.3. фаолиятини бир йилдан кам бўлган муддатга амалга оширувчи иш берувчи учун — иш берувчи барча ходимларининг иш берувчининг мазкур фаолияти амалга ошириладиган муддатдаги иш ҳақи миқдорида.

28. Мажбурий суғурта қилиш шартномасининг амал қилиш муддати давомида йиллик иш ҳақи миқдори ўзгарган тақдирда, суғурта пули ва суғурта мукофоти қисмига ушбу шартномага ёзма равишда қўшимча келишув тузиш орқали ўзгартиришлар киритилади. Бунда мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофотини қайта ҳисоб-китоб қилиш мазкур шартнома тузилган санада амалда бўлган суғурта тарифи бўйича, қолган суғурта даври ва суғурта пулига мутаносиб равишда амалга оширилади.

29. Суғурта мукофоти суммасини аниқлашда суғурталовчилар томонидан мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта тарифлари коэффициентларини қўллаш тартиби:

29.1. Бир йил муддатга мажбурий суғурта шартномасини тузишда ушбу шартнома бўйича тўланиши керак бўлган суғурта мукофоти миқдори (ПР) ушбу офертанинг 27 бандига мувофиқ суғурта суммаси (СС), йиллик базавий ставка (ТБ) (*0,1 фоизи миқдорида белгиланади ҳамда барча иш берувчилар ва суғурталовчилар учун ягона ҳисобланади*) ва Қоиданинг 9-иловасига мувофиқ Касбий таваккалчилик класслари бўйича суғурта тарифининг тегишли коэффиценти (КСТ) кўпайтириш йўли билан қўйида кўрсатилган формула бўйича аниқланади:

$$\text{ПР} = \text{СС} \times \text{ТБ} / 100$$

29.2. мажбурий суғурта шартномасини тузишда ушбу шартнома бўйича тўланиши керак бўлган суғурта мукофоти миқдори (ПР) ушбу офертанинг 27 бандига мувофиқ суғурта суммаси (СС), йиллик базавий ставка (ТБ) (*0,1 фоизи миқдорида белгиланади ҳамда барча иш берувчилар ва суғурталовчилар учун ягона ҳисобланади*) ва Қоиданинг 9-иловасига мувофиқ Касбий таваккалчилик класслари бўйича суғурта тарифининг тегишли коэффиценти (КСТ) ва мажбурий суғурта шартномаси тузиладиган кунлар сонини (Д) кўпайтириш йўли билан қўйида кўрсатилган формула бўйича аниқланади:

$$\text{ПР} = \text{СС} \times \text{ТБ} \times \text{КСТ} / 100 / 365 \times \text{Д}.$$

30. Суғурта тарифларининг мажбурий суғурта қилиш шартномаси амал қиласидиган муддат мобайнида ўзгариши иш берувчи томонидан тўлов вақтида амалда бўлган суғурта тарифлари бўйича тўланган суғурта мукофотининг ўзгаришига олиб келмайди.

31. Мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофотини ҳисоблаш суғурталовчи томонидан электрон аризада иш берувчи кўрсатган маълумотлардан келиб чиқкан ҳолда амалга оширилади.

32. Мажбурий суғурта қилиш шартномаси тузилгандан кейин электрон аризада иш берувчининг нотўғри ва (ёки) хато маълумотлар кўрсатганлиги аниқланган тақдирда суғурта мукофоти миқдори суғурта тарифларига ва мажбурий суғурта қилиш шартномаси тузилган вақтда амалда бўлган иш берувчи фаолият турларининг хавфлилик даражаси тавсифига мувофиқлаштирилиши керак.

33. Мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофоти иш берувчи томонидан, мажбурий суғурта қилиш шартномаси тузилган санадан бошлаб 72 соат мобайнида бир йўла тўланади.

34. Суғурта мукофоти нақд пул билан тўланган тақдирда суғурталовчи (унинг филиали ёки суғурта агенти) томонидан пул маблағлари қабул қилиб олинган сана тўлов санаси ҳисобланади. Суғурта мукофоти нақд пулсиз тўланган тақдирда пул маблағларининг суғурталовчи (унинг филиали ёки суғурта агенти) ҳисоб рақамига тушган санаси суғурта мукофоти тўланган сана ҳисобланади.

35. Иш берувчининг ҳисоб рақамидаги пул маблағлари етарли бўлмаган тақдирда мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофотини тўлаш иш берувчининг ишлаб чиқариш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжларига мўлжалланган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

36. Агар суғурталовчи мажбурий суғурта қилиш шартномасининг амал қилиш даврида суғурта товонини тўлаган бўлса, мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта пули тўланган суғурта товони суммаси миқдорига камайтирилади. Бунда иш берувчи тўланган суғурта товони суммасига ҳамда мажбурий суғурта қилиш шартномасининг қолган амал қилиш муддатига мутаносиб равишда суғурта мукофотини етти иш куни мобайнида қўшимча равишда тўлаши шарт.

VIII. Шахсга доир маълумотларни қайта ишлаш шартлари

32. Суғурта қилдирувчи E-Polishni расмийлаштириш тұғрисидаги электрон аризага маълумотларни кириши билан E-Polishni амалга ошириш учун ўзининг шахсига доир маълумотларни қайта ишлашга (йиғиш, ёзиш, тизимлаш, сақлаш, фойдаланиш ва бекор қилиш) розилик берган деб ҳисобланади.

33. Шахсга доир маълумотларни қайта ишлаш Суғурталовчи томонидан суғурта шартномаси бүйича мажбуриятларини амалга ошириш мақсадида “Шахсга доир маълумотлар тұғрисида”ги 2019 йил 2 июлдаги Ўзбекистон Республикасининг Конунига мувофиқ амалга оширилади.

IX. Яқунловчи қоидалар

34. Ушбу офертанинг талабларини бузганликда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

35. Ушбу офертада назарда тутилган ёки у билан боғлиқ масалалар бўйича тарафлар ўртасида келишмовчиликлар юзага келганда, тарафлар келишмовчиликни судгача ҳал этиш чораларини кўриши лозим.

36. Низони судгача ҳал этиш имкони бўлмаса, улар суғурталовчи жойлашган ердаги тегишли судда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларига асосан ҳал этилади.

37. Суғурта шартномасини ўзgartириш, бекор қилиш ва муддатидан олдин тўхтатиши тартиби, суғурта бўйича эътиrozларни қўриб чиқиш тартиби, суғурта шартномаси бўйича кўрилган зарар миқдорини аниқлаш ва суғурта товонини тўлаш тартиби, Аннуитетлар шартномасини тузиш тартиби, Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта пули, суғурта мукофоти ва қоплов пулини аниқлаш тартиби, Суброгация ва Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сон қарори билан тасдиқланган, ушбу офертанинг узвий қисми ҳисобланадиган Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларига мувофиқ белгиланади ва амалга оширилади.

38. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сон қарори билан тасдиқланган, Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидалари билан қўйидаги ҳавола орқали танишишингиз мумкин.

